



Халқ сўзи

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2020 йил 15 апрель, № 77 (7579)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Кўпни кўрган, турли синовларда тобланган мард ва матонатли халқимиз билан вақтинчалик бу қийинчиликларни биз, албатта, енгиб ўтамиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

«УЛУҒ ХАЛҚ ҚУДРАТИ ЖЎШ УРҒАН ЗАМОН»

Президент Шавкат Мирзиёев 14 апрель куни глобал инқироз ва пандемия шароитида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги олдида турган долзарб вазифалар муҳокамасига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилиши аввалида коронавирус инфекциясига қарши кураш доирасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларга яна бир бор алоҳида тўхталиб ўтди. Давлатимиз раҳбари, жумладан, шундай деди:

— Кундалик матбуотдан хабарингиз бор, бутун дунёда, хусусан, мамлакатимизда ҳам касалликка чалинганлар сони тобора кўпайиб бораётгани барчамиздан, бутун халқимиздан хушёрлик ва огохликни кескин кучайтиришни, карантин билан боғлиқ жорий этилган барча тартиб-қоидаларга сўзсиз ва қатъий амал қилишни талаб этмоқда.

Мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, Ҳукумат комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари кечиктириб бўлмайдиган қўйидаги чораларни қўришлари зарур.

Биринчидан, биз пандемия билан боғлиқ жараёнлар изидан қувиб эмас, балки унинг барвақт олдини олиш учун бор куч-имкониятларимизни ва барча ресурсларимизни сафарбар этишимиз лозим.

Иккинчидан, мавжуд вазиятнинг ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиб, бўлажак хавф-хатарларни, улар билан боғлиқ муаммоларни олдиндан прогноз қилишимиз ва улар-

нинг ечимига аниқ режа ва пухта чоралар билан тайёр туришимиз зарур.

Учинчидан, бу касалликни енгил учун барча давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни янада кучайтиришни миз керак.

Хитой, Жанубий Корея, Россия, Исроил, Буюк Британия, Германия ва Япониянинг етакчи мутахассислари билан беморларни даволаш бўйича телемедицина орқали олиб бораётган мулоқотларимизни бошқа илгор давлатлар билан ҳам кенгайтиришимиз, уларнинг тавсияларини ўзимизда фаол жорий этишимиз лозим.

Бугун Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа минтақавий бюроси экспертлари билан ўтказилган видеоконференция ҳам, албатта, беморларни даволашда ўзининг ижобий натижасини беради, деб қатъий ишонаман.

Тўртинчидан, Республика комиссияси мутасадди вазирлик ва идоралар билан бирга, жойлардаги ҳокимлар, секторлар раҳбарларининг коронавирус тарқалиши

олдини олиш ҳамда унинг иқтисодиёт ва инсонлар ҳаётига салбий таъсирини имкон қадар чеклаш учун масъулиятини янада ошириш чораларини кучайтириши керак.

Айниқса, ҳокимлар ва сектор раҳбарлари аҳолининг энг муҳим ҳаётий эҳтиёжларини тўлиқ таъминлаш, нарх-навонинг ошиб кетмаслигига эришиш ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар самарадорлиги учун шахсан жавоб беради.

Айни пайтда кам таъминланган, эҳтиёжманд ва ёрдамга муҳтож оилаларга мурувват ва саховат кўрсатиш, уларнинг ҳолидан хабар олиш, бу каби эзгу ташаббусларни кўпайтириш жойлардаги барча мутасадди раҳбарларнинг асосий вазифаларидан бири бўлмоғи лозим.

Хўрматли дўстлар! Таъкидлаш керакки, пандемия ва карантин билан боғлиқ мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, халқимиз тушқунлик ва саросимага тушгани йўқ.

Мамлакатимизда фаолият

юритаётган бирон-бир тизим тўхтаб қолмади. Биз вазиятдан келиб чиқиб, халқимизнинг соғлигини ўйлаб, ишимизни бошқа шаклда ташкил этяпмиз.

Ақлий меҳнат, таълим-тарбия билан боғлиқ фаолият турлари масофадан туриб, онлайн режимда олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, раҳбарларга мурожаат қилиб шуни айтмоқчи-манки, юртимиз ҳудудларида қишлоқ хўжалигида, саноат ва қурилиш, иқтисодиётнинг бошқа устувор тармоқларида, тадбиркорлик субъектларида ишни самарали давом эттиришимиз керак.

Чунки вақт кутиб турмайди, ҳаёт давом этмоқда. Бугунги йўқотилган вақт ва имкониятларни эртага қайтариб бўлмайди.

Бизнинг олдимизда 34 миллионлик азиз халқимизни боқиб баробарида қанчадан-қанча етиштирган маҳсулотларимизни четга экспорт қилиш вазифаси ҳам турибди.

Албатта, биз яхши тушунамиз, уйда ўтириш осон эмас, лекин биз айни пайтда элимизнинг соғлиғи ва ҳаётини сақлаб қолиш учун энг мақбул восита сифатида шу тавсияга амал қилишга мажбурмиз.

Биз карантинни қачон бекор қилишни халқимиз билан бамаслаҳат, ҳар томонлама чуқур ўйлаб ва таҳлил қилиб, албатта, қўриб чиқамиз.

Кўпни кўрган, турли синовлар-

да тобланган мард ва матонатли халқимиз билан вақтинчалик бу қийинчиликларни биз, албатта, енгиб ўтамиз.

Буюк шоиримиз Абдулла Орипов қаламига мансуб, ҳаммамиз гурур билан қўйлайдиган Ўзбекистон Давлат мадҳиясида “Улуғ халқ қудрати жўш урган замон”, деган чуқур маъноли сўзлар бор.

Чиндан ҳам, мана шундай мураккаб дамларда биз улуг ва меҳнаткаш халқимизнинг қудрати, ақл-заковати ва сабр-матонати, меҳр-оқибати ва самимияти билан ушбу оғир синовларни ҳам, албатта, енгиб ўтамиз, — деб таъкидлади Президент Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, марказий идоралар раҳбарларидан, бошқа мутасаддилардан улар бириктирилган ҳудудларда ҳар бир бемор аҳоли юзасидан ҳисобот олди, яратилган шароитлар ҳақида давофсил сўраб, суриштирди.

Бундан ташқари, республика ихтисослаштирилган тиббиёт илмий марказлари раҳбарлари ўзлари масъул бўлган ҳудудлардаги ҳар бир бемор ҳолидан шахсан хабар олиши, давлатимиз томонидан яна қандай шароит ва ёрдам кераклиғи устида тинимсиз қайғуриши зарурлиги таъкидлаб ўтди. Ҳеч бери фуқаро қийинчилик билан юзма-юз ёлғиз қолмаслиги яна бир бор алоҳида қайд этилди.

Ў.А.

ДУНЁ НИГОҲИ

«Халқ сўзи» учун махсус

Европалик экспертлар:

Ўзбекистон коронавирусга қарши курашишда қўшнилар билан бирдамлик кўрсатиб, намуна бўлмоқда

Ўзбекистоннинг коронавирус инфекциясига қарши курашиш ва пандемиянинг миллий иқтисодиётга салбий таъсирини камайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатлари хорижий жамоатчилик ва экспертлар эътиборида бўлиб турибди.

Хусусан, “**Diplomatic World**” нашри тасвирчи **Барбара Дитрих** ва **Европанинг Осий тадқиқотлари институти катта илмий ходими Альберто Туркстра** Туркий тили давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг навбатдан ташқари саммити натижалари билан танишар экан, Ўзбекистоннинг миллий ва минтақавий даражадаги ҳаракатларини юқори баҳолади.

— Дунёни камраб олган бугунги инқироз даврида



Парламент ҳаёти

Муҳокамаларда айрим саволларга аниқлик киритилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталари онлайн режимда бир қатор қонун лойиҳаларини иккинчи ўқишга тайёрламоқда.

Хусусан, Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзолари томонидан “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси юзасидан тайёрланган қонун лойиҳасининг мажбурий баҳолашдан ўтказиш имконига эга бўлишадими? Ёки бўлмаса, бу институтнинг жорий этилиши келгусида депутатларнинг қонун ташаббускорлиги фаолиятига салбий таъсир кўрсатмайдими, деган мазмундаги саволлар ўртага ташланди.

Маромига етказилаётган қонун лойиҳасида юқоридаги саволларга аниқ жавоблар бўлиши мақсадга мувофиқлиги айтилди.

Қонун лойиҳасини такомиллаштириш ишлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

Долзарб мавзу

ЕОИИ билан интеграциялашув: ҳамкорлик манфаатлар асосида қурилади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлиқнинг тўлақонли аъзо бўлиб кириш ёки кузатувчи мақомига эга бўлиш каби шакллари Ўзбекистон манфаатларига нечоғли мос келиши ва айни пайтда зид бўлган қирралари очик таҳлил қилинмоқда.

Албатта, ЕОИИ билан ҳамкорлиқнинг Ўзбекистон учун манфаатли жиҳатлари кўп. ЕОИИга тенг ҳуқуқли аъзо мамлакатларнинг иқтисодий сисъатни давлатлараро мувофиқлаштириш орқали ҳудудий микёсда сифат жиҳатидан янги иқтисодий босқичга олиб

қичилиши ва бунга мос муҳит яратилиши кутиляпти. Интеграция орқали барқарор иқтисодий ўсиш таъминланиши мавжуд иқтисодий ва ижтимоий номуъаносибликларни бартараф этишга хизмат қилади.



УЙДА ҚОЛИНГ!

Ў.А.

ЕОИИ билан интеграциялашув: ҳамкорлик манфаатлар асосида қурилади

◀1

Бундан ташқари, ушбу ҳамкорлик мамлакатимизда илмий ва техноло- гик ривожланиш жараёнларини жа- даллаштириш ва глобаллашув талаб- ларига тезроқ мослашиш имконини яратди.

Тавқидлаш жоизки, ЕОИИга тўла- қонли аъзо давлатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар Евроосиё иқтисодий комиссияси (ЕИК) томонидан тартибга солинади ва комиссия қарорлари аъзо мамлакатларда ижро этилиши мажбурийдир. ЕИК иқтисодий иттифокнинг божхона-тариф ва нотариф тартибга солиш, санитария, ветеринария ва фитосанитария чора- тадбирларини мувофиқлаштириш, учинчи мамлакатларга нисбатан савдо режимиларини ўрнатиш, макроиқ- тисодий ва рақобат сиёсатини бел- гилаш, субсидиялар, табиий монопо- лиялар, давлат харидлари, транс- порта оид ва бошқа йўналишлар бўйича 170 тадан ортиқ функциялар- ни бажаради.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, ЕОИИ билан ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари, тартибга солувчи органлар ва уларнинг фаолияти, шу- нингдек, ўзаро келишув ҳамда битим- лар тузиш ва уларни амалга ошириш механизмлари мамлакат учун нима самара беради ҳамда қандай оқибат- ларга олиб келиши мумкин? Бу саволларга жавоб топиш учун ушбу масаланинг бир қанча концептуал жиҳатларига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Иттифок яхлитликни талаб этади

Интеграциялашувнинг жаҳон таж- ribsида шуни кўрсатадики, мамлакат- лар иқтисодий ва иқтимоий ривож- ланиш даражасига кўра, бир-бири- дан катта фарқ қилмаслиги керак. ЕОИИ бугунги кунда Россия, Бела- русь, Қозоғистон, Арманистон ва Қирғизистон давлатлари ўртасида ягона божхона тизимига эга бўлган умумий иқтисодий ҳудуд сифатида шакллантирилган. ЕОИИда умумий ЯИМнинг 87 фоизи, умумий аҳоли- нинг 80 фоизи Россия Федерацияси ҳиссасига тўғри келади. Иттифокқа аъзо давлатларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражасида тафовут низоҳатда катта. Масалан, Россия ва Қозоғистоннинг аҳоли жон бошига ЯИМ ўртача қиймати Армани- стон ва Қирғизистондагига нисбатан 3,8 марта ортиқ. Агарда Россия билан Қирғизистонни солиштирсак, тафовут 8,8 марти ташкил қилади. Солиштириш учун, Европа Иттифо- қига аввал аъзо бўлган 15 та мамла- кат билан унга кейин қўшилган ва ривожланишда нисбатан оғртада қолмаётган 13 давлатда аҳоли жон бошига ЯИМдаги тафовут 1,9 марта- ни ташкил қилмоқда. Масалан, энг ривожланган мамлакатлардан бири Германия билан кўрсаткичи энг паст бўлган Болгария ўртасидаги тафовут 2,2 мартни ташкил қилади.

Интеграциялашувнинг юқори чўққи-

Огоҳлик

Тахликага тушмаслик, руҳан босиқлик бизни кучли қилади

Мамлакатимизда коронавирус инфекцияси тарқа- лишининг олдини олиш чора-тадбирлари тизимли амалга оширилаётганига қарамай, ушбу касалликни юқтириб олаётган беморлар сони ортиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби ўз соғлигимизга эътиборсиз- лигимиз, шифокорларнинг тавсия ва талабларига қатъий риоя этмаётганимиздир.

Афсуски, шунча айтилаёт- ганига қарамай, баъзилар ўзида коронавируснинг илк белгилари — иситманинг кўтарилиши, қуруқ йўтал, ҳол- сизлик кўзга ташланса-да, тиббий ёлдамларига мурожа- ат этмасдан, уй шароитида ўз билганича даволанишга хара- кат қилмоқда. Натихада на- фақат беморнинг аҳолига оғирлашмоқда, балки касал- ликнинг бошқаларга ҳам тар- қалишига сабабчи бўлиб қолаётди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мутахассислари тавсияларига кўра, коронави- рус инфекциясидан ҳимояла- ниш учун доимо қўлимизни совун билан ювиб юриш ёки спиртли воситалар билан иш- лов бериб туришимиз зарур. Аҳоли тўлпанадиган жойлар- да ўзгалар билан икки метр оралиғидаги масофани сақ- лашнинг ҳам аҳамияти катта. Бу нима учун керак? COVID- 19 каби респиратор инфе- кция билан касалланган бемор акса урганида ёки йўталгани- да ташқарига вирусли майда томчилар тарқалади. Агар ушбу кишига яқин турган бўлсак, ютаётган ҳаво орқали вирус зарарчасини ўзимизга юқтириб олишимиз мумкин.

Яна бир муҳим талаб: им- кон қадар қўлимизни оғзимиз, бурун ва кўзларимизга тек- низмаслигимиз билан боғлиқ, Бегоналар, ҳатто дўстларимиз ва яқинларимиз билан кўл бе- риб сўрашмайлик. Чунки юқорида айтиб ўтганимиздек, бемор акса урганида, йўтал-

ганида ташқи муҳитга катта миқдорда вирусли томчилар турли хил юзаларга ўрнаша- ди, биз эса қўлларимиз би- лан ушбу юзаларни ушлайм- миз. Уларга тегиниш орқали ўзимизга вирус юқиши эҳтимолини оширамыз.

Ўзгаларнинг саломатлиги бугун ҳар биримизга боғлиқ эканлигини ҳеч қачон унут- маслигимиз лозим. Тана ҳароратимиз кўтарилиши, йўтал ва нафас олиш қийн- лашуши кузатиладиган дарҳол маҳалла шифокорига телефон орқали мурожаат қилишимиз, уларни уйга чақиримиз шарт. Зеро, беморга эрта ташвиз қўйиш ҳамда уни эрта алоҳи- далаш (изоляциялаш) касал- лик тарқалишининг олдини олади. Эрта бошланган даво чоралари эса асоратлар ри- вожланишидан ҳимоялайди.

Бугун ҳар биримиздан иро- да, сабр-матонат, ваҳимга берилмаслик талаб қилимоқ- да. Ўзимизни мунтазам куза- тиб боришимиз ва ҳар қан- дай ҳолатда ҳам оқилона ҳаракат қилиш қўнимсасига эга бўлишимиз шарт. Бино- барин, ҳар қандай қўрқув ва стресс иммунитетимизни сусайтириб, организмнинг турли касалликларга берилув- чилигини оширади. Шундай экан, тахликага тушмаслик, руҳан босиқлик бизни кучли қилишини унутмайлик.

Шаҳноза ТОШПЎЛТОВА,
Тошкент тиббийёт академисии доценти.

си — иқтисодий иттифок аъзо мам- лакатлар ўртасида тенг ҳуқуқли иқти- содий муносабатларни шаклланти- ришни талаб этади. Европа Иттифо- қида (ЕИ) аъзо давлатлар ўртасида иқтисодий тенглик ёки ривожланиш даражасини нисбатан ақинлаштириш интеграциялашув жараёнининг муҳим шартларидан бири сифатида қара- лди. Бундай тенглаштириш ёки яқин- лаштириш жараёни ЕИда 65 йиллик даврни ўз ичига олди. Шунга қара- масдан, ривожланиш даражасида ечилимаган масалалар кўп. Биргина мисол, кейинги 20 йилда Шарқий Е- вропанинг нисбатан суст ривожланган бир қанча давлатларининг ЕИга қўши- лиши ҳудудий ривожлантириш нуктаи назаридан кўпгина муаммоларни кел- тириб чиқарди. Биринчи навбатда, меҳнат миграцияси, юқори малакали кадрлар ва мутахассисларнинг кетиб қолиши шундай ҳам заиф мамлакат- ларнинг иқтисодиётига катта салбий таъсир кўрсата бошлады.

Бу муаммоларни хал қилиш ма- ссадида ЕИ томонидан ҳудудлар иқтисодиётини “жиқслаштириш сиёсати” (Cohesion Policy) олиб бо- рилди. Суст ривожланган мамлакат- лар иқтисодиёти учун махсус дас- турлар амалга оширилди, грантлар ажратилди ва техник ёрдамлар қўрсатилди. Асосийси, ЕИга аъзо энг ривожланган давлатлар билан сана- ти суст ривожланган ёки чуқур тар- кибий ўзгаришларни амалга ошириш лозим бўлган мамлакатлар ўрта- сида иқтисодий интеграциялашув- нинг замонавий уйғунлашувини ўзида аққ эттирган саноат коопера- циялари ва кластерлар шаклланти- рилди. Шунга қарамасдан, ЕИда кейинги пайтларда “юшмоқроқ ва эгилувчан” интеграция шаклларини жорий этиш ёғларга кучаймоқда.

Иқтисодиётни постиндустриал давр- га чиқмаган ЕОИИ мамлакатларида бундай тенглаштириш, жиқслаштириш ёки яқинлаштириш сиёсатини амалга ошириш биринчи ўринда туриши ке- рак эди. Лекин биз бундай жараёни кузатаётганимиз йўқ. Таркибий ўзга- ришлар давом этаётган даврда иқти- содий иттифок тузиш устувор равиш- да уйғунлашган ишлаб чиқариш тар- моқларини ривожлантириш, саноат кооперациясини йўлга қўйиш ёки қўшимча қиймат занжири асосида кластерлар шакллантирилишини талаб этади. Бусиз интеграциялашув жараёнининг яхлитлигини таъминлаб бўлмайди.

Рақобатбардош бўлиш нимага боғлиқ?

ЕОИИ шартномасида иттифокни тузишдан асосий максадлардан бири сифатида аъзо мамлакатлар иқтисо- диётининг рақобатбардошлигини ошириш вазифаси қўйилган. Жаҳон тажрибасида замонавий иқтисодий интеграциялашув жараёнлари техно- логик укладнинг бешинчи (ахборот технологиялари ва оптични босқич- ларида (нанотехнологиялар) бўлган илгор мамлакатлар иштирокида са- марали амалга оширилаётганлигини

кўрсатмоқда. Шу ўринда айтиш жоизки, ЕОИИга аъзо давлатлар иқти- содиётни тўрттинчи укладни (машина- созлик, нефть ва бошқа хом ашё етказиб бериш ҳамда қайта ишлаш) бошидан кечирмоқда.

Иқтисодиёт рақобатдошлиги фа- қат юқори технология ва илм сиғими катта бўлган ҳамда шу билан бирга- лиқда, юқори қўшимча қийматга эга бўлган махсулотлар ишлаб чиқариш салоҳиятига боғлиқ бўлиб турган бир пайтда, суст индустриялашган, аграр ва хом ашё етказиб берувчи мамла- катлар интеграциялашув жараёнида бир-бирини қанчалик даражада тўлдира олади ёки бўлмаса бири ик- кинчисининг технологик тараққиёт- га қанчалик туртки бера олади? Бу саволга жавоб топиш учун иттифок- да катта иқтисодий салоҳиятга эга бўлган Россия ва ундан кейин ик- кинчи погонани эгаллаб турган Қозо- гистон ўртасидаги технологиялар ва инвестициялар алмашувини қарайди- ган бўлсак, бу борада аъзо давлат- лар иқтисодиёти бир-бирига сези- ларли даражада таъсир ўтказаяётган- лигини кузатиш мумкин. Асосий жа- раёнлар эса савдо-сотиқ, ягона бож- хона меъёруларини ўрнатиш, божсиз савдо каби масалалар атрофида кенаяти, десак, тўғри бўлади.

ЕОИИга аъзо давлатларнинг (Россия, Қозоғистон) экспорт ва ташқи савдо таркибида углеводород- лар ва металлургия саноати хом ашёси улуши 70 фоизгача ташкил қилгани ҳолда, инновация махсулот- лар 3 — 5 фоиз атрофида. Ривож- ланган мамлакатларда бу кўрсаткич 30 — 35 фоизни ташкил қилади. Иттифок иқтисодиётидаги бундай ҳолат билан яқин ўртада ташқи дунё- да ҳужмронлик қилаётган трансмил- лий ва йирик компаниялар билан рақобатлаша оладиган кооперация тузилмаларни шакллантириш жуда мушкул вазифа. Шунинг учун ҳам бу давлатлар олдига турган энг асосий вазифа иқтисодиётни модернизация қилиш ва шу орқали хом ашёга қарамликдан чиқиб кетиш.

Бундай шароитда индустрлашти- риш, модернизация ва чуқур тарки- бий ўзгартришларни амалга ошириш учун ҳар бир аъзо мамлакат ўзининг миллий стратегиялари ва дастурла- рини муस्ताқил равишда ишлаб чиқ- ши ҳамда амалга ошириши талаб эти- лади. Бунинг учун ҳар бир мамлакат божхона, молия ва валюта сиёсатини ўтказиши борасида мутлақ ваколат- ларга эга бўлиши керак. Усткурма тарзида ташкил этилган ҳар қандай бошқа интеграцион тузилманинг бошқарув ташкилоти бу вазифани самарали урдалаш жуда мушкул.

Шу ўринда масаланинг яна бир бошқа жиҳатига ҳам эътибор қаратиш керак. Ўзини иттифокқа аъзо бир давлатга нисбатан қўланиладиган санкция ёки эмбарго бошқа аъзо дав- латларда олиб борилаётган инвести- ция ва ташқи савдо сиёсатига мута- лақо зид келиши мумкин. Бундай “маъкул келмаслик” ҳолати интегра- цияно уюшманинг энг асосий тамойи- ли — келишилган савдо ва инвести- ция сиёсатини амалга ошириш имко- нини бермайди.

Ўрганишлар шуни кўрсатмоқда...

ЕОИИдан олдинги ҳамкорлик шакл- ларининг таҳлили шуни кўрсатмоқда- ки, интеграциялашув жараёнидан кўпроқ нефть ва газни қазиб олиш ва уларни қайта ишлаш, тоғ-кон, метал- лургия, кимё ва бошқа йирик ҳамда стратегик аҳамиятга эга бўлган сано- ат тармоқлари кўпроқ ютади. Бу со- халар бўйича йирик салоҳият айнан Россия ва Қозоғистон иқтисодиётида мавжуд ва бу борада улар таққосла- ма устуңликларга эга. Россия иқти- содиёти санкциялар туфайли айни пайтда янги бозорларни топишдан кўпроқ манфаатдор. Бундай манфа- атдорлик машинасозлик, электротех- ника ва бошқа бир қанча саноат турларига ҳам тегишлидир.

ЕОИИга аъзо давлатлар иқтисо- диётни халқроқ рақобат нуктаи назар- идан етарли даражада диверсифи- қациялашмаганлиги туфайли ҳам ҳар бир аъзо давлат ўзининг энг долзарб мақсад ва вазифаларидан келиб чи- қиб иш тутмоқда. Ҳар бири ўзи учун мақбул стратегияларни қабул қилиб амалга оширмоқда. Мамлакатлар ўртасида кооперация алоқалари етар- ли даражада чуқурлашмаганлиги ту- файли ҳам ҳар бир давлат ўзининг махсулотини ички бозорда кўпроқ сотишдан манфаатдор. Шу ўринда Божхона иттифоқи қабул қилган норма- ларда импорт божларининг 92 фоизи Россия бож ставкаларига тўлиқ мос келиши уларнинг махсулотларини сотиш учун анчагина қулайлик яра- тди. Шу туфайли, масалан, Россия ва Беларусь электротехника махсулот- ларни иттифокнинг ички бозорига худ- ди шундай товарларни сиқиб қўяёт- ган ҳолатлар ҳам учраб турибди.

Интеграциялашувни ўрганиш жара- ёнида яна бир қанча эътиборли жи- хатлар мавжуд. Энг аввало, ЕОИИда нефть, нефть махсулотлари ва элек- троэнергетиканинг ягона бозорини шакллантириш ишлари нега 2025 йл- гага кечиктирилганлиги биз учун аҳамиятли бўлиши керак. Бундан ташқари, темир йўл транспортдаги юк ташув тарифлари ҳам ханузгача жуда юқори ставкаларда қолмоқда ва бу ҳолат инфраструктураси ривожлан- ган аъзо давлатлар манфаатларига кўпроқ мос келмоқда. Шунингдек, қувурлар орқали энергоресурсларни етказишда умумий фойдаланиш бўйи- ча ҳам ханузгача бир фикрга келин- маган. Ваҳолонки, бундай имконият-

Хулоса ўрнида айтганда, Ўзбекистон ҳар қандай интеграциялашув жараёнига киришмида (у ОИИ ёки ЖСТга аъзо бўлишни) божхона- тариғи, солиқ, иш кучи миграцияси, ташқи иқтисодий алоқалар ва ҳам- корликнинг бошқа жиҳатларига оид тортишувларда кўпроқ мамлакат иқтисодиётини технологик янги босқичга олиб чиқиш ва бу борадаги номувофиқликлар ҳамда номунасосибликлари бартараф этишга қара- тилган сиёсат тарафдори бўлиши кераклигини Президентимиз мамла- катимизда рақамли иқтисодиётни устувор равишда ривожлантиришга қартилган сайё-ҳаракатлари билан яққол ифодалад берди.

Модомики шундай экан, давлатимиз раҳбари белгилаб берган мана шу йўналишда оғишмай давом этишимиз, минтақавий интеграциялашув жараёнларига миллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда босқич- ма-босқич кириб боришимиз мақсадга мувофиқ,

Шарофиддин НАЗАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг
Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси.

лар яратиб берилиши иттифок шарт-

номасида кўзда тутилган. Ва низоҳат, дунё иқтисодиётида айни пайтда бошланаётган глобал ин- кироз ва қутилаётган узоқ мuddатли рецессия ҳолати, нефть нархининг кес- кин тушиб кетиши ЕОИИга аъзо дав- латларнинг миллий валюта курслари- нинг пастайишга олиб келмоқда. Чу- қур интеграциялашув шароитида шу каби бир қанча омиллар Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам кескин салбий таъ- сир қўратиши, мамлакат ўзи хоҳла- маган ҳолда бундай салбий омиллар- нинг таъсирида қолиб кетиши мумкин. Шу боис ҳам “туяни шаомол учирса, эчкини осмонда кўр”, мақолани дои- мо ёдда тутиш ўринли бўлади.

Хотима ўрнида

ЕОИИга кирувчи давлатларнинг умумий жиҳатлари шундаки, улар собиқ иттифок парчаланиб кетгандан сўнг муस्ताқил давлат сифатида боз- ор принциплари асосида ислохот- ларни амалга оширпаяти ва бу жараён ҳали ўз низоҳисига етганича йўқ. Мана шундай шароитда қўшни давлатлар билан яқин иқтисодий алоқаларни ку- чайтириш ва минтақавий тузилмалар, шу жумладан, ЕОИИ билан ҳам манфаатли интеграцион алоқаларни ўрнатиш давр талаби ва буни инкор этиб бўлмайди.

Шу билан биргалиқда, кейинги уч йилдан ортиқроқ вақт мобайнида давлатимиз раҳбари ташаббуси би- лан олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар янги Ўзбекистон иқтисо- диётининг технологик даражасини инновацияно модернизация қилиш ва бу борада технологик бозори ривож- ланган мамлакатлар билан яқин му- носабатлар ўрнатишни талаб этади. Бу эса, ўз навбатида, янги техноло- гиялар трансфери борасида учинчи давлатлар билан ўзаро муносабатлар- ни йўлга қўйишда Жаҳон савдо таш- килоти (ЖСТ)га аъзо бўлишни устувор вазифа сифатида қарашга ундайди. Чунки ЕОИИ аъзо бўлган бешта давлатдан бугунги кунда тўрттаси (Беларусдан ташқари) ЖСТ аъзоси ҳисобланади. Ушбу давлатлар ЕОИИга киришдан олдин ЖСТга қўшилганли- гини ҳисобга олсак, Ўзбекистон учун ЖСТга аъзо бўлишда талаб этилади- ган очилиқ, шафдорлик, мустиқил ташқи иқтисодий сиёсатни белгилаш ва либерал иқтисодий муносабатлар- ни шакллантириш салоҳиятига эга бўлиш талаб этилади.

Ўзбекистон ҳар қандай интеграциялашув жараёнига киришмида (у ОИИ ёки ЖСТга аъзо бўлишни) божхона- тариғи, солиқ, иш кучи миграцияси, ташқи иқтисодий алоқалар ва ҳам- корликнинг бошқа жиҳатларига оид тортишувларда кўпроқ мамлакат иқтисодиётини технологик янги босқичга олиб чиқиш ва бу борадаги номувофиқликлар ҳамда номунасосибликлари бартараф этишга қара- тилган сиёсат тарафдори бўлиши кераклигини Президентимиз мамла- катимизда рақамли иқтисодиётни устувор равишда ривожлантиришга қартилган сайё-ҳаракатлари билан яққол ифодалад берди.

Модомики шундай экан, давлатимиз раҳбари белгилаб берган мана шу йўналишда оғишмай давом этишимиз, минтақавий интеграциялашув жараёнларига миллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда босқич- ма-босқич кириб боришимиз мақсадга мувофиқ,

Шарофиддин НАЗАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг
Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси.

ЕОИИ доирасидаги низолар ким томонидан ҳал этилади?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) билан ҳамкорлигига оид масала чуқур таҳлил қилиняпти. Хусусан, Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан ЕОИИга аъзо давлатлар ўртасидаги низолар қай тарзда ҳал этилиши ўрганилмоқда.

Нуктаи назар

Мамлакатимиз ушбу тузил- мага аъзо бўлса, ўз қондала- рини иттифок стандартлари билан мувофиқлаштириб боради. Хўш, ҳамкорликдаги фаолият давомида низолар келиб чиқса, ким томонидан ҳал этилади?

Айтиш жоизки, ЕОИИ Шартномаси ижроси ёки аъзо давлатлар ўртасида тузилган бошқа халқроқ шартномалар доирасида низоларни ҳал этиш ва ЕОИИ Шартномаси юзасидан тушунтиришлар бе- риш ЕОИИ судига юқлатилган. Ушбу суд ЕОИИ Шартномаси ва Статут (Низом) асосида ташкил этилган ҳамда доимий равишда фаолият қўрсатади.

ЕОИИ суди Беларусь пой- тахти Минск шаҳрида жой- лашган, унга ҳар бир аъзо давлатдан икки нафардан судья тайинланган бўлиб, бу- гунги кунда судьялар сони ўн нафарни ташкил этмоқда. Суд таркибини шакллантириш ва ишларни қўриб чиқиш тарти- би Евроосиё иқтисодий кенга- ши томонидан тасдиқланган суд Регламентига асосан белгиланган.

Суднинг асосий фаолияти аъзо давлатлар ва ЕОИИ органлари томонидан ЕОИИ ҳужжатларини, яъни ЕОИИ ҳақидаги шартномалар, итти- фок доирасида тузилган халқ- аро шартномалар, иттифок- нинг учинчи тарафлар билан тузилган халқроқ шартнома- ларни, иттифок органлари ҳал қилув қарорларини бир хил- да қўллашларни таъминлаш ҳисобланади. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун ЕОИИ ҳуқуқни қўллашда келиб чи- қадиған низоларни ҳал этиш ва ЕОИИ ҳуқуқи ҳужжатлари юзасидан тушунтиришлар беради.

ЕОИИ суди ЕОИИ комис- сииси ҳал қилув қарорларини суд тартибида қўриб чиқади- ган ягона орган ҳисобланади. Аъзо давлатларнинг миллий судлари комиссиянинг ҳал қилув қарорларини қайта қўриб чиқишга ҳақли эмас. Суд ишлари Катта коллегия, Коллегия ва Апелляция пала- таси судида қўриб чиқилади. Катта коллегия суди томони- дан аъзо давлатларининг ариза- лари, Коллегия суди томо- нидан ҳўжалик юритуви субъектларнинг аризалари, Апелляция палатаси суди Кол- легия суди томонидан чиқа- рилган ҳал қилув қарорлари устидан келтирилган ариза- ларни қўриб чиқади.

ЕОИИ судига қаердан рўйхатдан ўтганилигидан қатъи назар, ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳам мурожаат қилишлари мумкин. Мисол учун, ҳўжалик юритуви субъектларнинг аризаларига асосан ЕОИИ суди томонидан 2015 — 2019 йилларда жами 15 та низо қўриб чиқилган. Бундан ташқари, судга ту- шунтириш бериш тўғрисида ариза билан ЕОИИ органлари ҳодимлари ва мансабдор шахслари мурожаат қилиш- лари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фикрига кўра, мамлакатимизнинг ЕОИИ би-

Қадимдан шундай гап бор: бемор ши- фокор томонда бўлса, у тезроқ туза- лади, бординю касал томонга ўтса, со- ғайиши гумонда қолади. Бу ақида бу- гун ҳам қачонгидан-да долзарб, аҳамиятли.

Карантин жойидан қочганлар, қўча- қуйда тартибни бўзиб юрганлар ҳақида ўқиё, ҳайрон бўлади одам. Ахир кимдан қочсан, қаёққа бора- сан? Бу ярамас вирусдан қочиб қуту- либ бўлар эканими? Шу қадар оми, масъулиятсиз бўлиш мумкинми? Бу офат олдида икки дунё бир ҳамда бўлиб қолмоқда-ку. Бундай ноҳужа ҳаракатлар ўрнига ҳаётини ҳавф ости- га қўйиб ишлаётган чинакам фи- доий шифокорлар назоратида бўлиб, сабр билан мутахассислар тавсияси- га амал қилиш зарур. Бу бало юрти- миздан тезроқ аришини Аллоҳдан сўраб, дуо қилайлик.

Келинлар азиялар, биз нимага қарши курашаётганимизни, масала қанчалар жиддий, оғир ва масъулият- ли эканини унутмайлик. Президентим- миз раҳбарлигида бутун мамлакат раҳбарияти барча куч ва салоҳиятни, эътиборни нима учун айнаш шу ма- салага қаратаётганини теранроқ анг- лайлик, унинг қадрига етайлик. Бу саяё-ҳаракатлар сизу биё, фарзанд- ларимиз соғлиғи учун, уларнинг соғлом келажаги учун қилинмоқда-ку! Буни билмасликча, унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!

Мамааткул ҲАЗРАТҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист.

Бирлашган ўзар...

Тўрт ойдирки, бутун дунё аҳли, олиму уламолардан тортиб давлат арбобларигача бир “душман” билан курашмоқда. Энг даҳшатлиси, бу “душман”ни қўл билан ушлаб бўлмайди, оддий кўз билан қуришининг иложи йўқ, фақат заррабиз орқали кузатиш мумкин. Зеро, у митти бир зарра, номи — коронавирус.

Акс садо

Эътибор беряпсизми, бир ойдан буён мамлакатимизни ҳам қандайдир вазминлик эгаллагандай. Одамлар ўзаро сўхбатда ҳам босиқ овозда гап- лашаяётганга ўхшайди. Балки бу мав- жуд воқеаликдан инсонлар зарур ҳу- лосалар чиқараётганидан далолат- лар. Балки бу одамлар арзимаган нарсалар юзасидан ўзаро бақир-ча- қир қилишдан тийилаётгани натижа- сидир. Балки бу ор-номус, ибо-ҳаё, одоб-ахлоқ каби улугъ фазилатлар ус- туворлик касб этаётганидан нишона- дир. Балки бу одамлар ўртасида йўқойиб бораётган меҳр-оқибат, из- зат-ҳурмат, сийлаи раҳм яна қалкиб юзага чиқаётганидан бир белгидир. Балки... Шундай бўлаётгани рост бўйсун!

Уйлаб қоласан киши. Нега инсон зоти боши деворга урилмагунча кўзи- ни очмайди? Бошига бир қуфлат туш- магунча оёғи ердан узилиб, ҳавола- ниб юраверади? Афсуски, кўпинча кейин кеч бўлади. Бунга тарихдан ҳам, бугунги кунимиздан ҳам исталганча мисоллар келтириш мумкин. Мусибатлар, оғир кунлар одамлар- ни бир-бирига ақинлаштиради, меҳр- мурувватли қилиб қўяди. Хўш, нега шундай? Нима учун ақли зот бўлган инсон қорни тўлғидага, соғлом эка- нида, ҳамма ишлари юришиб турга- нида ўша оқибатни, меҳр-мурувватни унутиб қўяди? (Ҳар қандай шароитда ҳам ўзгалардан меҳрини, ёрдамини аямайдиган, савоб талаб савоҳ

Бир парча ер саховати

Ёнимиздаги хазина — томорқа имкониятларидан қай даражада фойдаланяпмиз?

Халқимиз азалдан ҳар қарич ерни эъозлаб, ундан ризқ-насиба ундириб келади. Шу боис томорқага битмас хазина сифатида қарайди. Айниқса, ҳозирги шароитда томорқанинг қадри янада ошмоқда. Чунки қундалик эҳтиёжга зарур бўладиган озиқ-овқатнинг аксарияти айнан шу бир парча ерда яралади.

Бизнинг шарҳ

Экин-тикин ишларини аллақачон якунига етказиб, экинларни парвариш қилмоқда.

Президентимиз шу йилнинг 8 апрель куни ўтказган коронавирус пандемиясига қарши курашишда жойлардаги ишлар натижадорлиги таҳлили ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли бандлиги ва даромадини оширишнинг муҳим манбаи бўлган томорқачиликни ривожлантиришга бағишланган видеоселектор йиғилишида бу ҳаётий масалага алоҳида эътибор қаратилди.



Кейинги йилларда аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш бўйича бир қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Айрим қонунларга ўзгаришлар киритилди. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, унинг ҳудудий бўлиналари, маҳалла фуқаролар йиғинларида томорқа билан шуғулланадиган алоҳида ўринбосар лавозими жорий этилди.

Томорқада янги лойиҳаларни амалга ошириш учун Давлат бюджетидан 350 миллиард сўм ажратилиб, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузурида жамғарма фаолияти йўлга қўйилди. Мухтасар айтганда, аҳолига қўмаклашадиган, моддий ресурсларни етказиб берадиган ва молиялаштирадиган, илгари бўлмаган янги механизм яратилди.

Давлатимиз раҳбари бу йилги мураккаб вазиятни инobatга олиб, томорқаларда икки-уч марта экин экиш ва қўшимча ҳосил олиш биринчи даражали вазифа бўлиши кераклигини таъкидлади. Ҳозирги синовли даврда томорқага экин экмаслик, қаровсиз ташлаб қўйиш юртга ва ерга нисбатан хиёнат сифатида баҳоланиши керак, дея барчамизни огоҳликка чақирди.

Унумдор еримиз, меҳнатсевар халқимиз бор. Томорқадан, яъни кенг имкониятларни ўз бағрида жо қилган улкан заҳирадан унумли фойдалана олсан, аҳоли бугунгидан-да тўқ ва фаровон ҳаёт кечиради. Агар ҳар бир томорқа эгаси ўз меҳнати, етиштирган ҳосили билан оиласи ва бошқаларни таъминласа, шу орқали халқимизга, давлатимизга катта фойда келтирган бўлади.

Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли дастурхонини зарур истеъмол товарлари билан бойитишнинг имконият ва манбалари кўп. Бунда деҳқон ва томорқа хўжалиқларининг ўрни ҳамда аҳамияти бекиёс.

Республикаимизда 4,5 миллиондан зиёд шахсий томорқа ва деҳқон хўжалиқлари мавжуд бўлиб, уларга 435 минг гектар унумдор ер ажратилган. Бу рўзгорни обод қилиш, ортиқча маҳсулотларни бозорга олиб чиқиш

учун бекиёс имкониятдир. Ҳамма гап қут-барака манбаи бўлган томорқадан самарали фойдаланишда.

Шунинг учун видеоселектор йиғилишида Ўзбекистонда озиқ-овқатга бўлган ички талабни тўлиқ таъминлаш, аҳоли даромади ва фаровонлигини ошириш учун катта резерв ва имкониятлар мавжудлиги таъкидланди. Бунинг учун барча фермер, кластер, деҳқонлар карантин қоидаларига амал қилган ҳолда ўз даласида, аҳоли эса томорқасида баҳорги экиш ишларини давом эттириши лозимлиги қайд этилди. Албатта, ҳаёт бардавом. Мавсумий ишлар эса тўхтаб қолмайди.

Қайд этганимиздек, юртимизда кейинги йилларда томорқачиликни ривожлантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Ташкилий ва ҳуқуқий асослар яратилди. Айниқса, "Томорқа хизмати" корхоналарига асос солингани айни мuddао бўлди. Бугунги кунда жойларда аҳолига уруғлик ва кўчат етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш бўйича 244 ана шундай корхона ишлаб турибди.

Видеоселекторда ушбу имкониятлардан фойдаланиб, томорқаларда самарадорлиқни ошириш бўйича қўшимча вазифалар белгилаб берилди.

Республикаимизда томорқасини барака манбаига айлантирган омилкор инсонлар кам эмас ва уларнинг тажрибасини оммалаштириш лозим. Масалан, Андижон вилоятининг Асака, Олтинқўл, Наманган вилоятининг Уйчи, Наманган, Сурхондарё вилоятининг Ангор, Жарқўрғон, Қашқадарё вилоятининг Китооб, Самарқанд вилоятининг Тайлоқ, Самарқанд, Тошкент вилоятининг Янгийўл, Зангиота, Фарғона вилоятининг Олтиариқ ва Кува каби туманларидаги аксарият томорқаларда бир йилда икки-уч марта ҳосил олиш йўлга қўйилган. Натижада битта оила 8 — 10 сотих майдондан ўртача 50 — 60 миллион сўм даромад қилиб, томорқа битмас-туганмас хазина эканлигини амалда исботламоқда. Ҳатто баъзи томорқа эгаларининг йиллик даромади 100 миллион сўмни ташкил қилади.

Қодиржон ТОШБОЛТАЕВ, намунали томорқачи (Жиззах вилояти):

— Рўзгорни бут қилиш учун деҳқончиликни қучайтиришимиз керак. Мисол учун, биз картошка экадиган бўлсак, унинг ўртасига маккажўхори уруғини ҳам сепамиз. Бу картошкани иссиқдан сақлайди. Картошкани кавлаб олганимиздан сўнг маккажўхори етилади. Унинг

ўрнига эса бошқа экинларни, хусусан, тарик экамиз. Тарик қирқ кунда пишади. Бундан кўринадики, учинчи ҳосилмас, тўртинчи ҳосилни ҳам олиш имконияти бор. Бўшаган ерга қузда саримсоқпиёз қадаймиз.

Ҳасан ҲАЗРАТҚУЛОВ, намунали томорқачи (Жиззах вилояти):

— 4 сотих ерда турли қўчатлар парваришлаймиз. Қишин-ёзин ерни бўш қўймаймиз. Даромад ҳам шунга яраша. Шунинг ортидан дастурхонимиз тўкин. Ҳозиргача 7 миллион сўмлик саримсоқпиёзни бозорга чиқардик. Яна 30 миллион сўмлик даромад қилиш мўлжалимиз бор.

Аммо томорқачиликда ҳам "Изолаган имкон топар, дангаса ишдан қочар", деган нақл ўз сўзини айтмоқда. Бухоро вилоятининг Пешку туманидаги Дейча маҳалласида истиқомат қилувчи Марҳамат Омоновага тегишли ер майдонида бедадан бошқа экин экилмаган.

Бирок ушбу туманнинг Ибн Сино номидаги МФЙда яшовчи Нусрат Саидов саккиз сотихлик томорқасида лимон етиштириб кам бўлаётгани йўқ.



Республикаимизда 4,5 миллиондан зиёд шахсий томорқа ва деҳқон хўжалиқлари мавжуд бўлиб, уларга 435 минг гектар унумдор ер ажратилган. Бу рўзгорни обод қилиш, ортиқча маҳсулотларни бозорга олиб чиқиш учун бекиёс имкониятдир. Ҳамма гап қут-барака манбаи бўлган томорқадан самарали фойдаланишда.

— Бу маҳсулотларни халқимиз дастурхонига тортиқ қиламиз, — дейди намунали томорқачи Н. Саидов. — Деҳқон қачонки меҳнат қилса, қўли пул кўради. Лимонларимиз тайёр. Бугуннинг ўзидаёқ бозорга чиқаряпмиз. Бу ҳам рўзгоримиз учун қўшимча даромад.

Сирдарё вилояти, Ховос тумани, Қайирма маҳалласидаги барча хонадонга оқар сув кириб борган. Қўнчилиги бир йилда икки-уч маротаба ҳосил олишга одатланган. Лекин шароитлар мавжудлигига қарамай маҳаллада ҳали бўш турган ерларни қўриш мумкин. Масалан, Раҳмонали Ғаниевнинг томорқасида ҳали иш бошланмаган. Шу хонадонга яқин жойлашган Шомирзаевлар ховлисида ҳам экин экиш ишлари пайсалга солинмоқда.

Жиззах вилоятининг Пахтакор туманидаги Пахтачи қишлоғида яшовчи Элбўтаевлар хонадони кам таъминланганлар рўйхатида турса-да, кафтдеккина томорқадан унумли фойдаланиб, барчага намуна бўлиб келяпти. Ердан олинаётган даромад оила фаровонлигига хизмат қилаётир. Бирок ён қўнчилиги Насиба Ўсарова эса томорқасидаги 20 сотихга яқин ерга ишлов беришни хаёлига ҳам келтирмаган. Томорқа имконияти-ю, баҳорнинг ғанимат кунларини бой беряпти.

Нафақат шахсий томорқа ер эгалари, балки жойлардаги маҳаллий раҳбарларнинг эътиборсизлиги билан томорқа имкониятларидан тўлақонли фойдаланилмаяпти. Баҳорги экин-тикин ишлари кечикиб кетмоқда.

Шу боис видеоселектор йиғилишида Самарқанд, Қашқадарё, Хоразм, Бухоро, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида томорқаларга экин экиш ишлари якунланмагани алоҳида таъкидланди. Мутасаддиларга бундай хонадонлар билан манзилли тарзда ишлаб, томорқа майдонларига бозорбоп экинлар экишни ташкил қилиш бўйича топшириқлар берилди.

Албатта, бугун ҳар бир қарич ернинг қадри, қиммати ошиб бораётган палла. Томорқадан икки-уч марта ҳосил олиш эса ундан-да долзарб аҳамият касб этмоқда.

Йилга уч марта ҳосил олишнинг энг мақбул усули томорқа шароитида ихчам иссиқхоналарни кўпайтиришдир. Ҳозирги пайтда республикаимизда жами 4 минг гектар енгил конструкцияли иссиқхона мавжуд. Бу иссиқхоналар йилга уч марта ҳосил олишни кенг йўлга қўйиш учун ниятда қўлай имконият. Аммо жойларда ҳамон етарлича эътибор қаратилмаяпти. Шу боис эндиликда "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида ҳар бир сектор ҳудудида камда 100 тадан хонадонда 1-1,5 сотихли иссиқхоналар ташкил этилади.

Ортиқали НАЗИРОВ, намунали томорқачи (Фарғона вилояти):

— Шундай имкониятлар яратиб берилётган экан, ҳар йилгига нисбатан икки баробар кўп ҳосил

олишимиз керак. Томорқамизда қишда кўчат етиштирдик. Кейин турли қишлоқ хўжалиги экинлари экдик. Ҳосил ҳам, даромад ҳам шунга яраша. Бундан ташқари, тоқимиз бор. Унинг таги ҳам бекор тургани йўқ. Томорқадан самарали фойдаланиш, рўзгорни бут қилиш учун бир-бирини турткисини қуттиш, уят аслида. Давлатимиз раҳбари йиғилишда айтганидек, ерга жиёнат халққа жиёнат билан тенг. Бунга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Эндиликда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан яна бир янги амалиёт жорий қилинади. Таъбир жоиз бўлса, томорқачиликда адолат ўз сўзини айтади. Гап шундаки, шу пайтгача йил — ўн икки ой томорқасини бўш қолдирмай экин экиб, мўмай даромад олган деҳқонга ҳам, ерни қаровсиз ташлаб қўйган томорқа эгасига ҳам бир хил кўз билан қараларди. Бундан кейин томорқадан самарали фойдаланмаётган хонадон эгалари расман огоҳлантирилади. Шунда ҳам хулоса чиқармаса, бундай томорқа эгаларига ер солиғи оширилган ставкада қўлланилади. Томорқасини гуллайтиб, бир неча марта ҳосил оладиган томорқачиларга эса солиқдан имтиёз берилди. Бу очик бозор тамойили ўз сўзини айтадиган, амалда манфаатдорликни таъминладиган самарали тизим сифатида аҳамиятлidir.

Аслида, бугунги карантин шароити уйда ўтирган ва томорқадан мўл ҳосил оламан, деган ҳар бир юрtdошимиз учун катта имконият ҳисобланади. Ер билан тиллашадиган инсон борки меҳнатидан унум, самара топиши, шубҳасиз. Эзгу ниятли одам давлатимиз томонидан ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватланаётир. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва томорқачиликни ривожлантириш бўйича Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектордан қўзланган мақсад ҳам шу.

«Халқ сўзи».



Иккинчи жаҳон уруши ва фронт орти машаққатларини бошидан ўтказган инсонларнинг ҳаёт йўли ҳар биримизни бугунги тинч, дориламон кунларнинг қадрига етишга ундаб туради.

Фарғоналик Шакар момонинг эсдаликлари ҳам барчамиз учун ибратли.

Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги олдида



Шакар момо

мади. Баҳорга чиқиб қайноғам Бойийитг акадан ҳам ажралиб қолдик...

— Ховлида бир ўзингиз қолибсиз-да?

— Нега бир ўзим қолай?! Самижоним эсини таниб қолган, Набижоним ҳам ўзини эплайди. Ғуломбойим этакимдан ушлаб, атак-чечак қилиб юрарди. Ойим-қизим қўлимда. Марзага қурбақадар қўйиб-қўйиб ғўза чопаман, кечалари бугдой ўраман, бошоқ те-раман... Алламаҳалда келиб, супран қоқиштириб, нон ёпаман. Бир куни тандирда ноним қолиб, ўхлаб қолибман. Қўйиб кетибди... Эҳ-хе, не кунларни кўрмадик, болам?! Ушанда зах ерда ётавериб, қаттиқ шамоллаган экан қизим.

Ёшидан ўтганда касал бўлганча ўнганмади... Уч қарчига — уч лочинига суяниб қолдим.

Самижонимдан кейин Набижонимни уйладим... Ҳаш-паш дегунча Ғуломбойим ҳам эр етиб қолди. Небараларнинг ташвиши билан шуларга овуниб юрдим.

Самижоним билан Набижоним оролдан ер очиб, деҳқончилик қилишарди. Ўзи энам раҳматли бир пайтлар: "У ерлар дарёни жойи, болам" деганди. Яна бир ўртоғим "Жон Шакарби, айланай сиздан, болаларни ўша ёққа жўнатманг, бехосият жой" деганди. Мен ўлгур "ҳа" деб қўя қолибман. Бир куни Самижоним "эна, болаларга молни боғлаб бе-

риб чиқай-а?" деб тушиб кетди. Бир пасдан кейин Абдуллоҳоним ховлиқиб келди. "Эна, эна! Дадамни дўхтирхонага олиб кетишди!" дейди. "Вой, мен ўлай!" деб бир машинага осилиб, орқасидан борсам... жони чиқиб кетиб бўпти...

— Сен ўлгунча мен ўлсам, бўлмасиди, болам! Мен тайёр эдим-ку, болам! — деб йиғладим. Эндигина битта невара кўрган-ди, болам шўрлик.

Ораддан ҳеч қанча ўтмай Набижонимни ўша оролда "ҳўкиз сузди" дейишиб... у ҳам... — момонинг қўзлариди ёш гилтиллади... — Самижонимдан егита, Набижонимдан сакизта бола қолди. Худога

шукр, келинларим билан бир қош, бир кўз бўлиб ҳаммасини уйлаб-жойладик.

Набижонимкида эдим. Болалари улгайиб, ўзларини эплайдиган бўлгандан кейин "Ке, Ғуломбойиникига борай", дедим. Бу ўғлимнинг ҳам олтига боласи бор. Яқинда невара кўрди. Шу кунларда яна бир ўғлига келин қиламиз деб турибмиз. Ўттизга яқин неварам, яна шунча эвара-чеварам бор...

— Небаралар, келинлар хабар олиб туришибдим, ишқилиб?

— Бир оёқлари шу ерда, барака топқурлар, — дейди Шакар момо. — "Эна, яхши ўтирибсизми?" деб кириб келишадиган умринг узоқ бўлтурлар...

— Кўз яхшими? Момонинг олдидаги янги қавилган тўнга ишора қилиб сўраймиз.

— Ха, ипни игнадан бемалол ўтказаман, — дейди юзлари ёришчи момо. — Мени чеварлигим Ёқуббойнинг қизи Бибойишага қолар шекилли. Зеҳни ўтиргина барака топқурини...

— Энди битта дуо қилинг!

— Омин! — қўл очди момо. — Юртимиз тинч бўлсин! Яхши ишларнинг тепасида турган Юртбошимиз омон бўлсин!

Ҳаммамиз тўрт кўз тугаллиқда, илинмай-қоқинмай, бола-чақаларимиз орзу-ҳавасини кўриб юрайлик! Сегин ташқариладик...

Ортиқали НОМОЗОВ («Халқ сўзи»).

Номи ўчсин, урушининг!

Адирбой Хўжанов 1925 йилда Қўшработ туманининг Болғали қишлоғида туғилган. Эндигина 17 ёшга тўлганда ҳарбий хизматга отланди. Энг гуллаган ёшлик чоғлари Иккинчи жаҳон урушининг қонли жанг майдонларида ўтди. Ўлимларни доғда қолдириб, уруш тугагач, қадрдон қишлоғига қайтди.

бир хизматдош дўстимдан айрилганимда ҳис қилар эдим...

Шукри, у кунлар ортда қолди. Юртимизда уруш қатнашчиларига, фронт ортида хизмат қилганларга эътибор юксак даражада! Президентимиз бизни муқофотлаш бўйича яна Фармон чиқарганидан қалбим тоғдек юксалди. Шу янгиликни эшитиб ўтиганимда ташқарида ёмғир томчилай бошлади. Бу қишлоғимизга, юртимизга барака ёғилляпти, дегани. Дунёимиз тинч, риқимиз бутун бўлсин. Шу кунларда бутун дунё ахлини бир бедаво дард қўйнапти. Шу ёмғирлар бутун олам дардини ювиб кетсин.

Адирбой бобо 96 ёшни қарши-лаётган бўлса-да, газета ва китобларни кўзойнақсиз ўқий олади. 8 фарзанд, 50 нафардан зиёд неварачеваралар ардоғида яшаб, ҳар гапида бугунги дориламон кунларга шукроналар айтади.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ («Халқ сўзи»).

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Хайъати ҳамда касаба уюшмаси бирлашган қўмитаси тарих фанлари доктори, академик Эдвард Васильевич Ртвеладзега турмуш ўртоғи

Лидия Львовна РТВЕЛАДЗЕнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюрогма Г — 456. 46 439 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўзлоглар 71-232-11-15.



Тахририятга келган қўлаб-қўлаб тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг мустақил берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терминал ҳамда оператор Ж. Тоғев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик ҳиждатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси маъсул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбўотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.

Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.30 Топпирилди — 02.00 1 2 3 4 5 6